



Бекзодбек МУХТАРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси таянч докторанти

САМАРҚАНДЛИК ЯНА БИР ФАҚИХ

Мовароуннахрлик фақиҳ уламолардан бири Носируддин Самарқандий бўлиб, у кишининг тўлиқ исми Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳасаний (айрим манбаларда “ал-Ҳусайний” деб келган¹) ал-Маданий ас-Самарқандийдир. Носириддин Самарқандийнинг ҳаёти ҳақида тарих китобларида жуда кам маълумот келтирилган. Ҳатто олимнинг туғилган санаси борасида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Аммо кўплаб манбаларда унинг Самарқандда туғилиб, 556/1161 йилда ўша ерда вафот этганлиги келтириб ўтилган. Олимнинг асл исми Муҳаммад бўлиб, Носируддин (“Диннинг ғалабаси” маъносида) у кишининг лақаби, Абулқосим (“Қосимнинг отаси” маъносида) кунyasi ҳисобланади. Отасининг исми эса Юсуф бўлган. Ҳасаний (ёки Ҳусайний) деб аталишига у кишининг наслнасаби Ҳасан (Ҳусан) ибн Али (р.а)га бориб етиши сабаб бўлган. Маданий деб (“Мадина”

– Арабистон ярим оролидаги қадимий шаҳарга) нисбат берилиши сабаб сифатида эса у киши бир муддат Мадина шаҳрида истиқомат қилиб, у ердаги олимлардан илм ўрганганлиги айтиб ўтилади². Олимга Самарқандий деб нисбат берилишидан унинг туғилган ва яшagan жойи қадимий Самарқанд диёри эканлигини билиб олиш мумкин. У кишининг оиласи ҳақида аниқ маълумотлар сақланиб қолмаган. Фақатгина аллома Ҳожи Халифа “Кашфуз зунун” китобида унинг авлоди ҳақида: “Машҳур олим Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Самарқандий Имом Носируддин Самарқандийнинг набирасидир”, – деб зикр этганини учратиш мумкин³.

² Доктор Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Аббод. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “Ал-фиқҳ ан-нофё” асари дарс ва тадқиқот. – Ар-Риёд. Мактабатул Абиқон нашриёти, 2000. – Ж 1. – Б. 17.

³ Ҳожа Халифа Мустафо бин Абдуллоҳ. “Кашфуз зунун ан асомия ал-кутуб вал фунун” асари. – Байрут. Дор ихё ат-турос ал-арабий нашриёти, 2008. – Ж 2. – Б. 259.

¹ Абулфидо Зайнулдин Қосим ибн Қутлубуғо Сундуний. “Тож ут-тарожим” асари. – Байрут: Дорул қолам нашриёти, 1992. – Б. 339.

Шу билан бирга кўплаб олимлар ўзларининг асарларида Носируддин Самарқандийнинг шахсий ахлоқий сифатлари, илмда ва уламолар наздида тутган ўрни ҳақида зикр этишган. Жумладан, Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самоъний айтади: “У киши фазилатли имом, тафсир, фикх, ҳадис ва ваъз айтишда олим эдилар”. Мажидуддин Ферузободий эса: “Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандий фақиҳ, муҳаддис ва воъиз олим эди”, – деб таъкидлайди. Шайх Муҳаммад ибн Сулаймон Кафавий уни: “У киши кадри улуғ катта олимлардан бўлиб, мартабалари олий, етук илм ва чиройли амал соҳиби эдилар. Исмлари машҳур, илм ва одобда ягона зот эдилар”, – дея таърифлайди. Шайх Абдулҳай Лакнавий ўзининг китобида: “У киши кадри улуғ, илми кучли имом бўлган. Одоб-ахлоқ бобида ягона, ўз замонасининг мужтаҳиди эди”, – деб зикр этади⁴.

XI – XII асрларда Мовароуннаҳр ўзининг Самарқанд, Бухоро, Насаф ва Фарғона каби шаҳарларида етишиб чиққан олимлари билан машҳур бўлган. Шунингдек, ушбу шаҳар номлари билан аталадиган Самарқанд мактаби, Бухоро мактаби, Насаф мактаби каби илмий мактаблари билан ҳам танилган. Носируддин Самарқандий ҳам ақида ва фикх илмида ўзига хос ном чиқарган Самарқанд мактаби вакиллари билан бири эди. Бу мактаб вакиллари Имом Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий, Алоуддин Муҳаммад Самарқандий ва бошқа кўплаб олимларни ҳам қўшиш мумкин. Носируддин ҳам дастлаб шу ерда илм олди. Устозларидан одоб, тил, тарих, ақида, фикх, қироат, Қуръон ва ҳадис илмларини ўрганади. Ундан сўнг илм олиш ва ҳаж амалини адо этиш мақсадида 534/1140 йилда Ҳижоз (яъни, Макка ва Мадина шаҳарлари)га сафар қилади. Ундан сўнг Бағдодга бориб, у ерда бир муддат истикомат қилади. У киши сафари давомида Макка, Мадина ва Бағдодлик етук олимлардан илм ўрганади. 543/1148 йилда Самарқандга қайтиб, умрининг охирига қадар шу ерда яшаб, кўплаб шогирдлар тарбиялайди. Носируддин Самарқандий Қуръон илмлари, ақида, фикх,

одоб-ахлоқ, тарих ва тил каби илм соҳаларига оид кўплаб китоблар ёзган бўлиб, улардан бир қанчаси бизгача етиб келган. Қуйида олимнинг бизга маълум бўлган асарларини келтираемиз:

1. Қуръон илмларига оид: “الإحقاق” – “Китоб ал-Ихқоқ” (“Яширин кути”) асари⁵. (Германиядаги Берлин кутубхонасида №728 рақам билан сақланади). Абдулҳай Лакнавий ўзининг “Фавоид ал-баҳийя” китобида у асарни “الإخصاف” – “ал-Ихсоф” (“Яширин сават”) номи билан зикр этади⁶. Бу асарнинг бошқа қўлёзма нусхалари ва уларнинг тадқиқ этилиши борасида маълумотлар мавжуд эмас.

2. Тавҳид (ақида)га оид: “فتح الغلق” – “Фатҳул Ғолақи” (“Ноаниқ нарсаларни очиш”) китоби⁷. Олимнинг тавҳид илмига оид шу биргина асари мавжуд бўлиб, манбалардан асарнинг номигина бизга маълум.

3. Одоб-ахлоққа ва тасаввуф илмига оид: “رياضة الأخلاق” – “Риёзат ал-ахлоқ” (“Ахлоқий тарбия”) асари. Бу асар XII асрда ёзилган бўлиб, бизга унинг биргина қўлёзма нусхаси маълум. Бу нусха 868/1562 йилда номаълум хаттот томонидан кўчирилган. 1268/1842 йилда Малик Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳамза Зоҳир шахсий кутубхонасига киритилган. Асар одоб-ахлоқ, нафс тарбияси, тасаввуф илми ва тушунчалари борасида муҳим манба саналади. Асар риёзат ва унинг турлари ҳақидаги масалалар билан бошланиб, асосий қисмини Самарқандий шартли равишда икки қисмга: “كتاب الأدب” – “Китаб ал-одоб” (“Одоб китоби”) ва “كتاب الأخلاق” – “Китаб ал-ахлоқ” (“Ахлоқ китоби”)га бўлади. Одоб китобида ибодатларни адо этаётганда, илм олиш, илм бериш ва бошқа ижтимоий муносабатлар жараёнида амал қилишини лозим бўлган одоб қоидаларини айтиб ўтади. Ахлоқ китобида эса инсониятга хос бўлган яхши ва ёмон ахлоқлар араб алифбоси асосида санаб ўтилади ва уларга таъриф ва тавсифлар берилади. Шунингдек,

⁵ Абулфидо Зайнуддин Қосим ибн Кутлубуго ас-Судуний. “Тож ут-тарожим” асари. – Байрут: Дорул қолам нашриёти, 1992. – Б. 339.

⁶ Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий ал-Ҳиндий. “Фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафийя” асари. – Қоҳира. Дор ал-кутуб ал-исламий нашриёти, 1324 х. – Ж 1. – Б. 200.

⁷ Исмоил Пошо ибн Муҳаммадамин Бағдодий. “Изоҳ ал-макнун фий аз-зайли аъла кашф аз-зунун аън асоми ал-кутуб вал-фунун” асари. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий нашриёти, 2008. – Ж 2. – Б. 88.

⁴ Доктор Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Аббод. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “Ал-фикх ан-нофеъ” асари дарс ва тадқиқот. – Ар-Риёд. Мактабатул Абикон нашриёти, 2000. – Ж 1. – Б. 30.

асарда тасаввуфий тушунчалар ҳақида ҳам тўхталиб, аллома уларни батафсил шарҳлашга ҳаракат қилади. Жумладан, “Ахлоқ китоби”да тавҳид, зикр, зуҳд, ризо, хавф ва ражо, ростгўйлик, жидду-жаҳд, жалол, жамол, саҳийлик, овозни баланд қўтармаслик, дуо, ваъда, омонатдорлик, раҳмат, рағбат, қалби қаттиқлик, шаҳват, шараф, шавқ, шукр, шавкат, иззат, авф, уъжуб, ғулув, ғурур, фаҳш, қаноат, қусур, қиём, мадҳ, мулоқабат, муҳосаба ва бошқа шу каби тушунчалар атрофлича баён этилан⁸.

4. Луғат илмига оид: “**بلوغ الأدب من تحقيق**” – “**Булуг ал-адаб мин таҳқиқ истиърат ал-араб**” (“Араб қочиримли сўзлари таҳқиқидан адабий етказишлар”) асари⁹. Бу асар араб тилининг илми маъоний ва илми баён соҳасига оид бўлиб, у ҳали тадқиқотчилар томонидан таҳқиқ этилмаган.

5. Балх тарихи ҳақида: “**التاريخ**” – “**ат-Тарих**” асари¹⁰. Олимнинг тарих илмига оид шу номдаги асари борлиги айтилади. Аммо у асарнинг ҳозирда қўлёзмалари мавжудлиги ҳақида маълумотлар аниқланган.

6. Шунингдек, Тош Кубро Зода ўзининг “Мифтах ас-саъада” (“Саодат калити”) асарида олимнинг ваъз ҳақида китоби мавжудлиги ҳақида айтиб ўтган¹¹.

Абулқосим Самарқандий илмий меросининг асосий қисмини фикҳ илмига оид асарлар ташкил этиб, бу асарлар Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожига муҳим манбалар саналади. Олимнинг фикҳий асарлари жумласига қуйидаги асарларни киритиш мумкин:

“**الفقه النافع**” – “**Ал-Фикҳ ал-нофеъ**” (“Фойдали фикҳ”) китоби. Бу китоб олимнинг ҳанафий фуруъ ал-фикҳига оид муҳим асарларидан бири бўлиб, Самарқандий ҳаётининг сўнгги йиллари: 555/1160 йилда ёзилган. Китоб олим вафотидан сўнг бир неча асрлар мобайнида ислом билим юртларида талабаларга

⁸ Носируддин Абулқосим Самарқандий. “Риёзатул ахлоқ” асари. Малик Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳамза Зоҳир шахсий кутубхонаси. Қўлёзма. Инвентар рақами берилмаган. – 868/1562. – 71 в.

⁹ Исмоил Пошо ибн Муҳаммадамин Бағдодий. “Изоҳ ал-мақнун фий аз-зайли аъла кашф аз-зунун аън асоми ал-кутуб вал-фунун” асари. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий нашриёти, 2008. – Ж 1. – Б. 101.

¹⁰ Машойих Балх мин ал-Ҳанафийя китоби. – Ж 1. – Б. 43.

¹¹ Тош Кубро Зода. “Мифтах ал-саъада” асари. – Ж. 2. – Б. 284.

дарслик сифатида ўқитилган. Китобга кейинги аср олимлари томонидан ўнга яқин шарҳ ва изоҳлар ёзилган. Бугунги кунда асарнинг дунё бўйлаб тарқалган ўттиздан ортиқ қўлёзма нусхалари маълум ва машҳур. Бу қўлёзмалар дунёнинг энг йирик кутубхоналарида сақланади. Жумладан, Ирландия, Туркия, Сурия, Саудия Арабистони кутубхоналарида асарнинг қўлёзма нусхалари борлиги аниқланган¹². Юртимизда китобнинг 2 та қўлёзмаси мавжудлиги маълум.

Асарнинг умумий тузилиши 64 та китоб (бўлим), 53 та боб ва катта-кичик 146 та фасллардан иборат. Асар “Китаб ат-таҳорот” (Таҳорат китоби)дан бошланиб, “Китаб ал-хунаса” (Хунаса китоби) билан якунланган. Айрим қўлёзмаларда асар “Китаб ал-фароиз” (Мерос китоби) ёки “Китаб ал-васоя” (Васиятлар китоби) билан тамомланган.

1. “**القانون**” – “**Ал-Қонун**”. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Аммо Самарқандийнинг шундай номда асари мавжуд эканлиги ҳақида табақот асарларида маълумотлар сақланиб қолган¹³.

2. “**المنشور**” – “**Ал-Маншур**” (“Кенг тарқалган”) асари¹⁴. Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий ўзининг ёзишмаларида у асардан баъзи бир фикҳий масалаларни олганлигини айтиб ўтган¹⁵.

3. “**المبسوط**” – “**Ал-Мабсут**” асари. Ҳанафий уламоларнинг қўпчилиги “Мабсут” деб номланган китоб ёзишган. Жумладан, Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад, Имом Сарахсий кабилар. Шунингдек, Самарқандийнинг шу

¹² Доктор Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Аббод. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “Ал-фикҳ ан-нофеъ” асари дарс ва тадқиқот. – Ар-Риёд. Мактабатул Абикон нашриёти, 2000. – Ж 1. – Б. 33-55.

¹³ Доктор Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Аббод. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “Ал-фикҳ ан-нофеъ” асари дарс ва тадқиқот. – Ар-Риёд. Мактабатул Абикон нашриёти, 2000. – Ж 1. – Б. 24.

¹⁴ Доктор Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Аббод. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “Ал-фикҳ ан-нофеъ” асари дарс ва тадқиқот. – Ар-Риёд. Мактабатул Абикон нашриёти, 2000. – Ж 1. – Б. 24; Исмоил Пошо Бағдодий. “Ҳадиёт ал-орифийн асмаъ ал-муаллифийн ва аъсар ал-мусаннифийн” асари. Ж 2. – Истанбул: Муассасату ат-тарих ал-арабий, 1951. – Б. 94.

¹⁵ Маҳмуд бин Сулаймон Кафавий. “Аълам ал-Ахёр” асари. Қўлёзма. – Б. 183а

номда асар ёзганлиги ҳақида тарихий манбаларда айтиб ўтилган¹⁶.

4. “كتاب الوافي” – “**Китоб ал-Вофий**” (“Муфасссал китоб”) ¹⁷. Абул Баракот Насафий (ваф. 710/1310) “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асарига ёзган шарҳида “ал-Вофий” асари Самарқандийнинг фикҳ илмига оид китобларидан биридир”, – деб айтиб ўтган¹⁸.

5. “خلاصة المفتي” – “**Хулосатул муфтий**” (“Муфтийнинг хулосалари”). Бу асар ҳам олим Самарқандийга нисбат берилган. Аммо асарнинг қўлёзмалари ҳақида бизда маълумотлар мавжуд эмас¹⁹.

6. “جامع الفتاوى” – “**Жомеъ ал-фатаво**” ёки “الجامع الكبير في الفتاوى” – “**Ал-Жомеъ ал-кабир фил фатаво**” (“Фатволар тўплами”) асари²⁰. Бу асар 549/1154 йилда ёзилган²¹. Унинг бизга маълум қўлёзма нусхаси Шайх Абдулҳамид томонидан (ваф. 880/1475й.) қайта жамланган бўлиб, Саудия Арабистони, Ар-Риёд шаҳридаги Қирол Сауд университети кутубхонасида № 1827 рақам билан сақланади²². Ушбу қўлёзма Муҳаммад бин Ҳамза ал-Қозий томонидан

¹⁶ Ҳожа Халифа Мустафо ибн Аюдуллоҳ. “Кашфуз зунун ан асмаил кутуб вал фунун” асари. Ж. 2. Байрут: Дор аҳя ат-тарос ал-арабий нашриёти, 1941. – Б. 1580.

¹⁷ Доктор Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Аббуд. Абулқосим Носирулдин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “Ал-фикҳ ан-нофеъ” асари дарс ва тадқиқот. – Ар-Риёд. Мактабатул Абиқон нашриёти, 2000. – Ж. 1. – Б. 24.

¹⁸ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сад ибн Оли Сад Ғомидий. Доктор Абдуллоҳ ибн Муслиҳ Самолий раҳбарлиги остида. Имом Ҳофизуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафийнинг “ал-Мустасфо” асари ибодат қисми дарс ва тадқиқот. – Ар-Риёд: Уммул қуро нашриёти, 2011. – Ж. 1. – Б. 23.

¹⁹ Ҳожа Халифа Мустафо ибн Аюдуллоҳ. “Кашфуз зунун ан асмаил кутуб вал фунун” асари. Ж. 1. Байрут: Дор аҳя ат-тарос ал-арабий нашриёти, 1941. – Б. 717., Лакнавий Абдулҳай. “Ал-фавоид ал-баҳийя фий тароҷим ал-ҳанафийя” асари. – Миср: Матбаат ас-садатун нашриёти, 1324 ҳ. – Б. 219-220., Маҳмуд бин Сулаймон Кафавий. “Аълам ал-Ахёр” асари. Қўлёзма. – Б. 183а.

²⁰ Ҳожа Халифа Мустафо ибн Аюдуллоҳ. “Кашфуз зунун ан асмаил кутуб вал фунун” асари. Ж. 1. Байрут: Дор аҳя ат-тарос ал-арабий нашриёти, 1941. – Б. 565.

²¹ Доктор Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Аббуд. Абулқосим Носирулдин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “Ал-фикҳ ан-нофеъ” асари дарс ва тадқиқот. – Ар-Риёд: Мактабатул Абиқон нашриёти, 2000. – Ж. 1. – Б. 25.

²² Носирулдин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандий. “Китоб жомеъ ал-фатаво” асари. Қирол Сауд университети кутубхонаси. Қўлёзма. Муҳаммад бин Ҳамза ал-Қозий томонидан кўчирилган. № 1827. – 1161/1738. – В. 1а.

1161/1738 йил сафар ойининг бешинчи сана-сида ёзиб тугатилган²³. Қўлёзма жуда яхши ҳолатда сақланган. Манба 95 varaқ, 190 саҳифадан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифасида 33 сатр (қатор)дан иборат ёзувлари мавжуд. Асар араб тилида, насх хатида, қора ва қизил рангларда ёзилган. Унвони (мавзу ва фасллари) қизил ранг ёзувлар билан ажратилган. Ҳар бир саҳифадаги ёзувлар тўртбурчак шаклда чизилган чизиклар орасига олинган. Ҳошияси йўқ, аммо айрим саҳифаларида тузатиш ва изоҳлар учрайди. Манбанинг саҳифалари рақамланмаган. Манбанинг дастлабки саҳифаларида асарнинг қисқача мундарижаси берилган бўлиб, у рақамланган 90 та китоб (бўлим), фасл ва турли хил масалалардан иборат.

Асар фикҳий асарларда учрайдиган боб ва фаслларнинг мавзуларига ўхшаш номлар асосида бўлинган. Яъни, фуруъ ал-фикҳ мавзулари каби бу асар ҳам «كتاب الطهارة» – “Китаб ат-таҳарот” (“Таҳорат китоби”) билан бошланиб, «المسائل المتفرقة» – “ал-Масоил ал-мутафарриқот” (“Ҳар хил масалалар”) мавзуси билан якунланади. Фуруъ ал-фикҳ илмига оид китоблардан фарқли равишда бу асарда фатво китобларига хос услубда фақатгина мавзуга доир уламоларнинг ҳукмлари санаб ўтилади. Уларнинг далиллари келтириб ўтилмайди.

Асар мазмунан жуда бой бўлиб, у ўзида ибодат, муомалот ва жинойтлар бўлимларига оид мавзуларни жамлаган. Ибодат қисмида таҳорат, намоз, рўза ва ҳаж масалаларига доир фатволар келтириб ўтилади. Муомалот бўлимида эса никоҳ, талоқ, савдо ва у билан алоқадор масалаларга оид ҳукмлар бирма-бир айтилган. Жинойтлар қисми эса жинойтлар, ўлжалар, топиб олинган нарсалар, гуноҳи кабиралар, қозининг одоблари, гувоҳлик, даъво қилиш масалалари, макруҳ бўлган нарсалар ва турли масалаларни ўз ичига олади²⁴.

7. “كتاب الملقط” – “**Китоб ал-Мултақот**” ёки “الملقط في فتاوى الحنفية” – “**ал-Мултақот фий**

²³ Носирулдин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандий. “Китоб жомеъ ал-фатаво” асари. Қирол Сауд университети кутубхонаси. Қўлёзма. Муҳаммад бин Ҳамза ал-Қозий томонидан кўчирилган. № 1827. – 1161/1738. – В. 95б

²⁴ Қаранг: Носирулдин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандий. “Китоб жомеъ ал-фатаво” асари. Қирол Сауд университети кутубхонаси. Қўлёзма. Муҳаммад бин Ҳамза ал-Қозий томонидан кўчирилган. № 1827. – 1161/1738. – 95 в.

фатаво ал-ханафийя” (“Териб олинган китоб” фатволар мажмуи) асари²⁵. Бу асар алломанинг “Жомеъ ал-фатаво” асаридан саралаб олинган фатволарнинг мухтасар тўплами бўлиб, 549/1154 йилда ёзилган²⁶. Асар ханафий фикҳига оид фатво тўпламлари орасида энг қадимий ва мумтоз манбалардан бўлиб, олимлар орасида кенг тарқалган ва машҳурликка эришган. Буни ундан кўплаб олимлар фойдаланганлиги, унга изоҳлар битилгани ва бу асар кўплаб уламолар томонидан эътироф этилганлигида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, бугунги кунимизда ҳам асарнинг кўплаб қўлёзма нусхалари дунёнинг турли кутубхоналарида ноёб манба сифатида сақланаётганлиги ҳам унинг аҳамиятини кўрсатиб беради. Машҳур мовароуннахрлик уламолардан бири шайх Маҳмуд ибн Маждуддин ал-Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Уструшаний 603/1207 йилда бу асарни тажнис қилиб, (яъни тартибга солиб, қисмга ажратмоқ), 616/1219 йилда Самарқандда имло қилади²⁷. Бу манбанинг 1 та қўлёзма нусхаси Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида № 283 рақам остида сақланади.

Шунингдек, “ал-Мултақот” асарининг ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб кутубхона фондларида қўлёзмалари мавжуд. Жумладан, асарнинг 2 та қўлёзмаси Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Домадзода кутубхонасида №1056-1057 рақами остида сақланади²⁸. Асарнинг замонавий нашри Саййид Юсуф Аҳмад томони-

дан қилинган таҳқиқ асосида 2000 йилда нашр этилган²⁹.

8. Олимнинг фикҳ илмига оид “**مصاييح السبل**” – “**Масобих ас-субул**” номли китоби ҳам мавжудлиги ҳақида кўплаб тарихий асарларда айтиб ўтилган³⁰.

9. Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий ўзининг асарида олимнинг усул ал-фикҳ илмига оид китоби борлигини ҳам таъкидлайди³¹. Шунингдек, Тош Кубро Зоданинг “Мифтах ас-сабада” (“Саодат калити”) асарида ҳам Самарқандийнинг усул ал-фикҳ илмига оид китоби мавжудлиги ҳақида айтиб ўтган³². Аммо асарнинг номи ва қўлёзмалари ҳақида аниқ маълумотлар келтириб ўтилмаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Мовароуннахрда IX – XII асрларда илм-фан таракқий этиб, ўлкадан ислом илмлари ривожига тамал тошини қўйган олимлар етишиб чиқди. Носируддин Самарқандий ҳам XI аср охири – XII аср ўрталарида Самарқандда яшаб, ижод этган ана шундай уламолардан бири саналади. Шунингдек, Макка, Мадина ва Бағдод каби шаҳарларга сафар қилиб, у ердаги олимлардан ҳам турли илм соҳаларини эгаллайди. Ҳаёти давомида Қуръон илмлари, ақида, фикҳ, одоб-ахлоқ, тарих ва тил каби илм соҳаларида китоблар ёзади. Олимнинг бир қанча асарлари бизгача етиб келган, аксарияти дунё кутубхоналарида сақланаётган бўлсада, ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Олимнинг фикҳ илмига оид асарларини тадқиқ этиш ханафий фикҳининг XI – XII асрдаги ҳолатини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Олимнинг ибратли ҳаёти ва одоб-ахлоққа оид асарларини ўрганиш ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

²⁵ Абулфидо Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо ас-Судуний. “Тож ут-тарожим” асари. – Байрут: Дорул қолам нашриёти, 1992. – Б. 338.

²⁶ Қаранг: Лакнавий Абдулхай. “Ал-фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ханафийя” асари. – Миср: Матбаат ас-саадатун нашриёти, 1324 х. – Б. 219-220., Ҳожа Халифа Мустафо ибн Аюдуллоҳ. “Кашфуз зунун ан асмаил кутуб вал фунун” асари Ж 2. Байрут: Дор аҳя ат-турос ал-арабий нашриёти, 1941. – Б. 1813., Абулфидо Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо Судуний. “Тож ат-тарожим” асари. – Байрут: Дорул қолам нашриёти, 1992. – Б. 338.

²⁷ Муслим Атаев. Маждуддин ал-Уструшаний. <http://muslim.uz/index.php/rukn/fiqh/item/4180> (Ноябрь 27, 2017)

²⁸ Қаранг: Домадзода Муҳаммад Қозий Аскар Мурод китоблари. Носируддин Абулқосим Муҳаммад ибн Юсуф Ҳусайний Самарқандийнинг “ал-Мултақот фий ал-фатаво ал-ханафийя” асари. Қўлёзма. № 1056-1057. – Истанбул, Туркия: Дор сабадат нашриёти, 1331/1884. – Б. 85-86.

²⁹ Саййид Юсуф Аҳмад. Носируддин Абулқосим Муҳаммад ибн Юсуф Ҳусайний Самарқандийнинг “ал-Мултақот фий ал-фатаво ал-ханафийя” асари таҳқиқи. – Байрут, Ливан: Дор ал-кутуб ал-илмийя нашриёти, 2000. – 465 б.

³⁰ Абулфидо Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо ас-Судуний. “Тож ут-тарожим” асари. – Байрут: Дорул қолам нашриёти, 1992. – Б. 230. Ҳожа Халифа Мустафо ибн Аюдуллоҳ. “Кашфуз зунун ан асмаил кутуб вал фунун” асари Ж 2. Байрут: Дор аҳя ат-турос ал-арабий нашриёти, 1941. – Б. 1697. Лакнавий Абдулхай. “Ал-фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ханафийя” асари. – Миср: Матбаат ас-саадатун нашриёти, 1324 х. – Б. 219-220.

³¹ Маҳмуд бин Сулаймон Кафавий. “Аълам ал-Ахёр” асари. Қўлёзма. – В. 183а

³² Тош Кубро Зода. “Мифтах ал-сабада” асари. – Ж 2. – Б. 258.